

БИОЛОГИК ФАОЛ ПОЛИМЕРЛИ ПРЕПАРАТЛАР ЁРДАМИДА ГИЛОС МЕВАСИНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

И.Х. Холмирзаев

*PhD, Тошкент давлат аграр
университети*

Аннотация: Ушбу мақолада экологик хавфсиз технологиялар тушунчаси, хитозан ва унинг органик кислоталар билан ҳосил қилган комплекслари асосидаги препаратлар ёрдамида гилос меваларининг навларини узок-муддатли сақланиш амалиёти қўриб чиқилган. Лабораторияда қўлланиладиган технология асосида гилос меваларига ишлов берилгандан сўнг уларнинг сақланиш муддатининг узайиши, дастлабки вазни ўзгармаслиги ҳамда меваларнинг таъми ва товар хусусиятлари сақланиб қолиши кўрсатилган.

Калит сўзлар: Хитозан, сирка кислота, каҳрабо кислотаси, глицирризин кислотаси, антимикроби ва антибактериал хусусиятлари, сақланувчанлик, гилос мевалари навлари.

“Сўнгги йилларда республикада озиқ-овқат саноатини ривожлантириш, соҳага инвестиция маблағларини жалб қилиш ва экспорт фаолиятини қўллаб-куватлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 6,1 миллиард АҚШ долларидан ва уларнинг йиллик экспорти ҳажми 510 миллион АҚШ долларидан ошди. Шунингдек, охирги уч йилда импорт ўрнини босувчи 75 турдаги 289,9 миллион АҚШ доллари миқдоридаги озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши таъминланиб, импорт ҳажми 7,4 фоизга камайди. Республика саноатида озиқ-овқат саноати улуши 14 фоиздан 16,6 фоизга ошди”¹.

“Жаҳон миқёсида аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда аграр соҳанинг ўрни ва аҳамияти кундан-кунга ошиб бормоқда. Жумладан, мамлакатимизда ҳам мавжуд ресурс ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш, ҳосилдорлик ва манфаатдорликни янада ошириш, соҳага илм-фан ютуқлари ҳамда замонавий ёндашувларни жорий этиш долзарб масаладир”².

Данакли мевалардан Гилос раъногулдошлар оиласига мансуб мева ҳисобланади. Хитой, Япония, Афғонистон, Ўрта Осиё, Эрон, Туркия, Европа мамлакатлари, Українанинг жанубида ва Кавказда экилади. Меваси май-июнда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.02.2024 йилдаги “Республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-36-сон Фармони.

² Гилос етишириш [Матн]: илмий нашр / «Агробанк» АТБ. - Тошкент: "ТАСВИР" нашриёт уйи, 2021. - 56 б.

пишади. Гилос унумдор, нами мўътадил, тупроғи чукур ишланган ерларда яхши ўсади. Ўзбекистоннинг тоголди минтақаларида экиладиган асосий мевалардан бири. Айни пайтда мамлакатимизнинг деярли барча худудларида гилоснинг 11 тури етиштирилади.

Илмий тадқоқотлар гилос меваларининг Ревершон, Драгано жёлтая, Валове сердца, Баҳор навлари устида олиб борилди. Ушбу турлар гилоси меваларини сақлаш учун қуйидаги хусусиятларга асосланиб танлаб олиниши: Меваларнинг пўстининг тузилиши ҳамда сув ва шакар миқдорини сақлаш хусусияти, таъм хусусиятлари ва микроорганизмларнинг пролифилациясига мойиллигидир.

Гилос меваларини сақлаш учун олинган экологик хавфсиз препаратлардан фойдаланилди. Тажрибалар учун ҳар хил концентрацияда ва нисбатда жами 17та препарат ажратиб олиниб, уларни гилос меваларининг пўст қисми устида ҳимоя қобиқ ҳосил қилиш усули қўлланилди. Органлептик кузатишлар натижасига қараб энг юқори самарадорликка эга препаратлар ажратиб олиниб, кейинги тадқиқотлар учун фойдаланилди. Тажрибалар учун ажратиб олинган мева турлари стандартларда кўрсатилган талаблар асосида танланиб совутилгандан сўнг уларга ишлов берилиб сақлаш учун қўйилди.

Гилос меваларини сақлашдан олдин қайта ишлаш учун хитозанинг молекуляр оғирлиги \bar{M}_t - 20000-25000 деацетилланиш даражаси 86% турли концентрацияли ва нисбатдаги органик кислоталардан фойдаланилди. Меваларга хитозан ва унинг ҳосилалари билан ишлов бериш меваларни препарат эритмаларга 1 дақиқа давомида ботириш ҳамда мева юзасидаги эритманинг очиқ хавода қуритиш орқали ҳимоя қобиқ ҳосил қилиш йўли орқали олиб борилди. Назорат сифатида меваларга дистилланган сув билан ишлов берилди.

Ишлов берилган гилос навлари $0\text{-}1^{\circ}\text{C}$ ва 90-95% нисбий намлигга эга бўлган режимили “Лидер” русумдаги совиткичда, 60 кун мобайнида олиб борилди. Меваларга қўлланилган препаратларнинг оптимал мухити pH 6,7-6,9 га teng. Меваларнинг истеъмол қиймати кузатиш орқали ва органолептик усулда амалга оширилди. Тадқиқот натижалари уларнинг массасини тадқиқот якунига қараб препаратлар билан ишлов берилгандан кейин, қуритилгандан кейинги меваларнинг массасига нисбатан фоиз ҳисобида амалга оширилди. Қуйидаги 1-жадвалда данакли меваларнинг сақлашда қўлланилган препаратларнинг ишлов берилган вариантлари келтирилган. Хитозан ва органик кислоталарнинг нисбати 1:1, 1:2, 2:1 га teng. Бу ерда карбоксиметилцеллюлоза (КМЦ) қисқартма шаклида берилган

**Хитозан асосидаги препаратлар ёрдамида Гилос навларига ишлов
барилиши ва унинг натижалари**

1-жадвал

№	Вариантла р	Гилоснинг тури ва навларининг									
		Баҳор		Драгано жёлтая		Ревершён		Валовье сердца			
1	Сақлаш муддати (кун)	Назо рат 14	Назор атга нисба тан 100%	Назо рат 20	Назор атга нисба тан 100%	Назо рат 18	Назор атга нисба тан 100%	Назо рат 21	Назор атга нисба тан 100%		
2	Хитозан 0,1% сирка кислотаси 0,2 (1:1)	21	+50	28	+40	26	+44	50	+138		
3	Хитозан 0,1%, сирка к-та 0,1 % (1:1)	25	+78	35	+75	32	+77	55	+160		
4	Хитозан 0,5%, сирка к-та 2% (1:1)	10	-29	12	-40	15	-17	16	-24		
5	Хитозан 0,2%, сирка к-та 1% (2:1)	12	-15	20	0	17	-6	20	-5		
6	Хитозан 0,2%, сирка к-та 0,2% (1:2)	22	+57	30	+50	35	+94	40	90		
7	Хитозан 0,2% - лимон кислотанин г калий тузи	14	0	20	0	21	+16	22	+0,4		

	эритмаси (2:1)								
8	Хитозан 0,2% сирка кис-та 0,2% (1:1)	28	+50	40	+50	50	+170	60	+185
9	КМЦ 0,2%	18	+28	20	0	22	+22	28	+33
10	КМЦ 0,1%	19	+35	22	+10	23	+15	28	+33
11	Хитозан 0,2% Калий тузи (лимон кислотанин г эритмаси) (2: 1) нибат)	20	+42	24	+20	28	+55	32	+52
12	Хитозан 02%, винил кислотанин г аммонийли тузи 02%(1:2 нисбат)	19	+35	24	+20	20	+11	30	+43
13	Хитозан 0,2%+қахра бо к-та 0,25% эритмаси, (1:1)	21	+50	22	+10	24	+33	28	+33
14	Хитозан 0,1% қахрабо кислота 0,1% (1:1)	22	+57	24	+20	28	+55	30	+42
15	Хитозан 0,2% Аскорбин	5	-65	9	-65	10	-45	11	-48

	кислоти 0,25% (1:1)								
1 6	Хитозан 0,1% Аскорбин кислоти 0,1% (1:1)	8	-43	12	-40	15	-17	18	-15
1 7	Хитозан 0,1%, гилициризи вонная кислота 0,01% (1:1)	21	+50	28	+40	27	+50	+51	+142
1 8	Хитозан 0,2%, гилициризи вонная кислота 0,01%	22	+57	26	+30	30	+66	50	+138

Жадвалда келтирилган натижалар шуни кўрсатдик, гилос меваларнинг навига қараб хитозан препаратлари билан ишлов берилган барча навларда сақлаш муддати назоратга нисбатан сезиларли даражада юқори эканлиги кузатилди.

Хулоса қилиб айтганда энг юқори натижалар барча нав гилослари учун хитозан сирка кислотанинг 1:1 ва 1:2 нисбатдаги комплексларида ҳамда хитозанинг глициризин кислотаси билан 1:1 ва 1:2 нисбатдаги супрамолекуляр комплекси асосидаги препаратларда кузатилди. Гилос навларининг сашлаш муддатининг узайишига нисбатан камроқ таъсир қилган препаратларга хитозанинг 2 асосли қаҳрабо кислотаси ва 3 асосли лимон кислотаси билан ҳосил қилган эритмалари келтириш мумкин. Хитозанинг-аскорбин кислотаси асосидаги препаратлар ҳамда хитозан юқори концентрацияли эритмалари асосидаги ва карбокциметилцелюлоза (КМЦ)нинг 0,1-0,2% ли эритмалари асосидаги препаратларда назоратга нисбатан сақлаш муддати кам эканлиги кузатилди. Бунга сабаб сақлаш жараёнида учрайдиган синергетик жараёнлар ҳамда хитозан ва аскорбин кислотасида учрайдиган бактериологик ва фунгицидлик таъсирнинг юқори эканлигидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.02.2024 йилдаги “Республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-36-сон Фармони.
2. Гилос етишириш [Матн]: илмий нашр / «Агробанк» АТБ. - Тошкент: "ТАСВИР" нашриёт уйи, 2021. - 56 б.
3. ГОСТ 33310—2015 29 карбоксиметилцеллюлозная: Загуститель пищевого продукта.
4. ГОСТ 33801-2016 Вишня и черешня свежие. Технические условия.
5. ГОСТ 4815-76 Кислота аскорбиновая пищевая.
6. ГОСТ 61-75 (СТ СЭВ 5375-85) Реактивы. Кислота уксусная. Технические условия.
7. ГОСТ 6341-75 Реактивы. Кислота янтарная. Технические условия.
8. ГОСТ 908-2004 Кислота лимонная моногидрат пищевая.
9. O`zDSt ISO 2169: 2011 (C 39) Meva va sabzavotlar. Sovuq sharoitda saqlash bo`yicha fizik talablar. Ta`rif va o`lchov birliklari.
10. O`zDSt ISO 3659: 2011 (C 39) Meva va sabzavotlar. Sovuq sharoitda saqlashdan so`ng yetilishi.
11. O`zDSt ISO 7558: 2011 (11 59) meva sabzavotlarni dastlabki qadoqlash bo`yicha yo`riqnomasi.